
Ижро ҳужжати бўйича тарафлар судга таклиф этилди!

Ижтимоий тармоқлар орқали фуқаро Ф.Кабированинг ижро иши таъминланмаётганлиги ҳақидаги мурожаати ўрганиб чиқилди.

Аниқланишича, фуқаролик ишари бўйича Ўзбекистон туманлараро судининг 11.03.2019 йил кунги ижро ҳужжатига асосан ундирувчи Ф.Кабированинг фойдасига М.Кабировнинг ноқонуний фойдаланишида бўлган низоли Бешариқ тумани Х.Олимжон МФЙ, Дехқон бозори ҳудудидаги 30,0 кв.м ер майдонида жойлашган дон махсулотлари омбори ҳамда жавобгар М.Кабировнинг ноқонуний фойдаланишида бўлган Бешариқ тумани Файзиобод МФЙ, О.Водий кўчасидаги 42,14 кв.м майдонда жойлашган тижорат савдо дўконини ўзини фойдаланишига олиб бериш тўғрисидаги ижро ҳужжати бўлим иш юритувида номалум сабабларга кўра йўқолганлиги сабабли, 17.06.2022 йилда Ўзбекистон Республикаси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 43-моддасига асосан ФИБ Ўзбекистон туманлараро судидан ижро ҳужжатидан нусха (дубликат) олиш учун тақдим этилди.

ФИБ Ўзбекистон туманлараро судининг 17.06.2022 йил кунги №2201/3565-сонли хатига асосан ижро ҳужжатидан нусха (дубликат) бериш учун тарафларни 22.06.2022 йил куни соат 15:00 га суд биносига чақиртирилганлиги маълум бўлди.

2022-06-17 19:42:34